

Мол Аллоҳникидир



10:20 / 09.12.2018 3016

Ислом таълимоти бўйича мол аслида Аллоҳ таолонинг молидир, уни қўлида тутиб турган одамники эмас. Агар дунёда бирор кимса мулкка эгалик қилаётган бўлса, ҳақиқий мулк эгаси (Молик) Аллоҳ таоло унга Ўзи ирода қилган ҳикмат бўйича вақтинчалик, арзимаган мулкни бериб қўйган бўлади. Бинобарин, Аллоҳ хоҳлаган пайтида ундан мулкни тортиб олиб қўйиши мумкин. Мулкни вақтинчалик қарзга олган одам ҳақиқий Моликнинг шартига мувофиқ тасарруф қилса, бахт-саодатга эришади. Агар ҳақиқий Моликнинг шартига хилоф иш тутса, молдан ажраб қолиши устига гуноҳга ҳам ботади.

Одатда қўлига бирдан мол-дунё тушган одамда агар диндорлик, тақво бўлмаса, ҳовлиқиб кетади, дарров бузғунчилик қилишга киришади. Фиръавн аҳлидан бўлган Қорун ҳам шундай нафси бузуқ, насиҳат кор қилмайдиган, бойлик қутуртирган кимсалардан эди. У ўз қавмининг насиҳатларини қулоққа олмади, бойлиги туғёнга кетказди ва охири ҳалокатга учради.

Аллоҳ таоло Қосос сурасида марҳамат қилади:

الْقُرُونِ مِنْ قَبْلِهِ مِنْ أَهْلِكَ قَدْ أَهَلَكَ أَنْ يَعْلَمَ أَوْلَمَ عِنْدِي عِلْمٍ عَلَى أُوَيْتِهِ، إِنَّمَا قَالَ

الْمُجْرِمُونَ ذُنُوبِهِمْ عَنْ يُسْئَلُ وَلَا جَمْعًا وَأَكْثَرُ قُوَّةٍ مِنْهُ أَشَدُّ هُوَ مِنْ

«У (Қорун): «Менга у фақат ўзимдаги илм туфайлигина берилгандир», - деди. Албатта, Аллоҳ ундан олдинги ав-лодлардан ундан кўра қувватлироқ, ундан кўра кўпроқ (мол) жамлаганларни ҳалок этганини у билмасмиди?! Жинойтчилардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас» (78-оят).

Дунёдаги кўплаб мол-дунё соҳиблари каби, Қорун ҳам бойлигига ўз билганича, ўз ақлича қарар эди. «Бу мол-мулк менга илмим туфайли берилди, ўзимдаги қобилиятни, илмни ишга солиб мол топдим, энди қандай қилиб сарфлашни ҳам ўзим биламан», деб ўйлар эди. Мусулмон бўлмаган бойларнинг барчаси ҳамisha худди шундай фикр юритади. Шунинг учун ҳам улар туғёнга кетади, бошқалар олдида такаббурлик қилади, ер юзида бузғунчиликлар содир этади.

Ислом хусусий мулкчиликка кенг йўл очиб беради, кишилардаги мол-мулк топиш рағбатини қўллаб-қувватлайди. Аммо мол-мулк доимо ҳалол-пок йўл билан топилишини таъкидлайди, назорат қилади, текширади. Шунингдек, топилган мол-мулкни ҳалол-пок йўлда сарфлаш зарурлигини ҳам қаттиқ тайинлайди. Мол-мулк эгасини туғёндан, такаббурликдан ва ер юзида бузғунчилик қилишдан қайтаради.

“Ижтимоий одоблар” китобидан